

**РИЁЗУС-СОЛИҲИЙН**  
**Арафа куни ва унинг фазилати ҳақидаги**  
**ҳадислар шарҳи**

4  
[ Ўзбекча ]

4  
[ اللغة الأوزبكية ]

**Абу Абдурахмон Насафий**

أبو عبد الرحمن النسفي

**Мухаррир:** Дорул Ислом тахририяти

مراجعة: فريق عمل الأوزبكي

**Риёз шаҳри Робва маҳалласи диний тарғибот бўлими**

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة بمدينة الرياض

2008 –1429

islamhouse.com

## Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Алҳамду лиллаҳи Роббил-ғаламийн вассолату вассаламу ала ашрафил анбияи вал мурсалийн набиййина Муҳаммад ва ала олиҳи ва асҳабиҳи ва ман табеъаҳум биэхсанин ила явмиддийн.

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ! Азиз ва мухтарам мусулмон биродарлар.

Ушбу дарс имом Нававийнинг Риёзус-солиҳийн номли китобидаги (Ҳаж китоби)га қилинган шарҳнинг давоми бўлиб, унда Арафа кунининг фазилатлари ва у кундаги Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*)нинг суннатлари ҳақида сўз юритилади. Оллоҳ таъолодан ҳаммамизни ушбу улуғ кунларда ёлғиз Ўзига ибодат қилиш ва ундан гуноҳлардан пок бўлиб қайтишни насиб этиб, қолган умримизни Уни рози қиладиган солиҳ амаллар билан ўтказишга муваффақ қилишини сўраб қоламиз.

Яна Ойша (*розияллоҳу анҳа*) ривоят қилишларича Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) : “Арафа кунидан кўра Оллоҳ унда бандани дўзахдан кўпроқ озод қиладиган кун йўқ.”-деган эканлар. (*Муслим ривояти*)

### Шарҳ:

Бу ҳадис Арафа кунининг фазилатига очиқ далолат қилади. Абдураззоқ (*роҳимаҳуллоҳ*) ўз “Мусаннаф”ида Ибни Умар (*розияллоҳу анҳу*)дан ривоят қилишларича Пайғамбар (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) шундай деган эканлар: “Арафада туришингга келсак, Оллоҳ таъоло унда дунё осмонига тушади ва фаришталарга ҳожилар билан фахрланиб: “Анавилар менинг бандаларим, йироқ йўллардан чангга беланган ва сочлари тўзиган ҳолда раҳматимни умид қилиб, азобимдан кўрқиб келишибди. Ҳолбуки улар мени кўришмаган, агар кўришганда қандай бўларди?”-дейди.”<sup>(1)</sup> Арафа куни қилинган дуо бошқа кунлардагидан афзал бўлиб, бу Арафа куни бошқа кунлардан афзал эканига далолат қилади. Арафа куни афзаллиги эса, кунларнинг баъзиси баъзисидан афзал эканига далолат қилади, лекин бу куръон ва суннат орқалигина билинади. Шулардан баъзилари Жума, Ошуро, Арафа, Душанба ва Пайшанба кунларининг фазилатлари ҳақида келган саҳиҳ ҳадислар бўлиб, булардан биронтаси қиёс ва ақл орқали билинмайди. Яна бу ҳадис кўпинча Арафа кундаги дуолар қабул бўлиши ва зикрларнинг энг афзали “ла илаҳа иллаллоҳ” эканига далолат қилади.<sup>(2)</sup> Тухфатул-Аҳвазийнинг муаллифи шундай дейди: “Танбех: Авомлар орасида: “Агар Арафа куни Жума кунига тўғри келиб қолса, ўша ҳаж ҳажжи акбар бўлади”-деган гап кенг тарқалган, лекин бу гапнинг асли йўқ гап. Тўғри, Разийн (*роҳимаҳуллоҳ*) Талха ибни Убайдуллоҳ ибни Карийздан: “Кунларнинг энг афзали Арафа куни. Агар Жума кунига тўғри келиб қолса, бошқа кунларда қилинган етмишта ҳаждан афзал бўлади.”-деб ривоят қилган. Шундан сўнг муаллиф гапларини давом эттириб: “Мажмаул фавоид”да ҳам шундай келган, ваҳоланки у мурсал ҳадис бўлиб, мен унинг иснодига воқиф бўлмаганман.”-деган эканлар.<sup>(3)</sup>

(1) Абдураззоқ “Мусаннаф”и 5/16, ҳадис рақами: 8830

(2) Ат-Тамҳийд, Ибни Абдил-Барр, 6/41.

(3) Тухфатул-Аҳвазий, 3/16.

Арафа куни энг афзал кунлардан бўлиб, у кунда дуолар қабул қилинади, гуноҳлар кечирилади ва Оллоҳ таъоло фаришталарига Арафотда турган ҳожилар билан фахрланади. Оллоҳ бу куннинг қадрини бошқа кунлардан баланд қилган. У ислом дини комил қилинган, неъмат бенуқсон, тўқис қилинган кун. Гуноҳлар кечирилиб, дўзахдан озод қилинадиган кун.

Азиз хожи биродарлар. Шундай экан бундай кадри баланд кун унинг фазилатлари, бошқа кунлардан ортиқлиги ва Пайғамбаримиз (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*)нинг у кундаги суннатлари билан танишишга арзийди. Оллоҳ таъолодан барчамизни ушбу муборак кунда Дўзахдан озод қилишини сўраймиз.

Энди Арафа кунига тегишли баъзи фазилатларни айтиб ўтамиз. Улар кўйидагича:

1) Арафа куни унда ислом дини комил қилинган, неъмат бенуқсон, тўқис қилинган кун. Умар ибни Хаттоб (*розияллоҳу анҳу*)дан ривоят қилинишича яҳудлардан бири у кишига: “Эй Амрал-мўминийн, Китобларингизда сизлар ўқийдиган бир оят борки, ўша оят агар биз яҳудийларга нозил бўлганда ўша кунни албатта байрам қилиб олган бўлардик.”-деган эди, Умар (*розияллоҳу анҳу*): “Қайси оят?”-деб сўрадилар. Яҳудий: “Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (*фақат*) Исломни дин қилиб танладим, -деган оят”-деб жавоб берди. Шунда Умар (*розияллоҳу анҳу*): “Биз ўша кунни ҳам, Пайғамбаримизга нозил бўлган жойни ҳам биламиз. Ўшанда у зот Жума куни Арафада турган эдилар.”-деган эканлар<sup>(4)</sup>.

2) Пайғамбаримиз (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*): “Арафа, Қурбонлик ва Ташрик кунлари биз аҳли Исломнинг байрами бўлиб, бу кунлар еб-ичиш кунларидир.”-деган эканлар.<sup>(5)</sup>

Табарий (*роҳимаҳуллоҳ*) ўз тафсирларида Умар (*розияллоҳу анҳу*) дан ривоят қилишларича: “Бугун сизларга динингизни комил қилдим,”-деган оят Жума куни, Арафада нозил бўлган. Оллоҳга ҳамд бўлсинки, иккаласи ҳам биз учун байрам.”-деган эканлар.<sup>(6)</sup> Оллоҳ таъоло Арафа кунига қасам ичган. Ҳолбуки буюк Оллоҳ таъоло фақат буюк ва улуғ нарсаларга қасам ичади. Арафа куни гувоҳ бўлингувчи кун бўлиб, Абу Ҳурайра (*розияллоҳу анҳу*)дан ривоят қилинишича Пайғамбар (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*): “Ваъда қилинган кун Қиёмат куни, гувоҳ бўлингувчи кун Арафа куни ва гувоҳ бўлгувчи кун Жума куни.”-деган эканлар.<sup>(7)</sup>

Оллоҳ таъоло Фажр сурасидаги: ﴿وَالشَّفَعِ وَالْوَتْرِ﴾ яъни: “Жуфт ва тоқга қасам.”-деган оятида қасам ичган ватр, яъни: тоқ сўзидан мақсад Арафа куни бўлиб, бу ҳақида Ибни Аббос (*розияллоҳу анҳу*): “Жуфт Қурбонлик куни, тоқ эса Арафа куни.”-деган эканлар.<sup>(8)</sup> Икристима ва Зоҳҳаклар ҳам шундай деган эканлар.

3) Арафа кунда рўза тутиш икки йиллик гуноҳларга каффорат бўлади. Абу Қатода (*розияллоҳу анҳу*)дан ривоят қилинишича Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) Арафа куни тутиладиган рўза ҳақида сўралганларида: “Ўтган ва келгуси йилги гуноҳларга каффорат бўлади.”-деб жавоб берган эканлар.<sup>(9)</sup> Яна шуни ҳам эслатиб ўтишимиз керакки, Арафа куни рўза тутиш фақат ҳаж қилмаган кишига мустаҳаб бўлади. Ҳожиларга эса, ушбу кунда рўза тутиш суннат эмас, чунки Пайғамбар (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) бу кунда рўза тутмаганлар. Имом Абу Довуд ва бошқалар Абу Ҳурайра (*розияллоҳу анҳу*)дан ривоят

(4). Бухорий ривояти, 1/88, ҳадис рақами: 45.

(5). Аҳли Сунан ривояти

(6). Тафсийрут-Табарий, 9/524-525.

(7). Термизий ривоят қилган, ҳадис рақами: 3661 ва 3339, Албоний ҳасан деган.

(8). Мажмауз-завоид, Ҳайсамий, ҳадис рақами: 11490

(9). Муслим ривояти, 7/320, ҳадис рақами: 2804.

қилишларича Пайғамбар (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) Арафа куни Арафада рўза тутишдан қайтарган эканлар<sup>(10)</sup>.

4) Арафа кунида Оллоҳ таъоло Одам (*алайҳис салом*) фарзандларидан мисоқ яъни аҳд-паймон олган экан. Ибни Аббос (*розияллоҳу анҳу*)дан ривоят қилинишича Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) шундай деган эканлар: “Оллоҳ Наъмонда яъни Арафада Одам болаларининг белларидан (*яъни пушти камарларидан то Қиёмат Кунигача дунёга келадиган барча*) зурриётларини олиб: «**Мен Парвардигорингиз эмасманми?**», деб, **ўзларига қарши гувоҳ қилганида, улар: «Ҳақиқатан Сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шохидмиз», дейишган экан. Шунда Оллоҳ таъоло: (Сизлардан бундай гувоҳлик — аҳд-паймон олишимиз) Қиёмат Кунда: «Бизлар бундан беҳабар эдик», демасликларингиз учундир. Ёки: «Ахир илгари ота-боболаримиз мушрик бўлган эсалар, бизлар улардан кейин келган (ва уларнинг ўргатган йўлларига эргашиган) авлод бўлсак, ўша ноҳақ йўлда ўтган кимсаларнинг қилмишлари сабабли бизларни ҳалок қилурмисан», демасликларингиз учундир.»** -деган экан. (*Аъроф: 172-173*)<sup>(11)</sup>.

*И з о ҳ. Халқ орасида машҳур бўлган «алмисоқ, алмисоқдан қолган» деган ибораларнинг асл мазмуни юқоридаги икки оятда мазкур бўлди. Қуръон бизга уқтиришича, Тангри таоло ўз қудрати билан Одам алайҳис-саломнинг белидан ундан тарқайдиган барча зурриётларини чиқариб, уларга Ўзининг мўъжизаларини кўрсатгач: «Айтинглар-чи, Мен Сизларнинг раббингиз эмасманми», деганида, улар: «Парвардигоро, Ўзинг барчамизнинг раббимизсан, бизлар бунга гувоҳ, бўлдик», деб Тангрига аҳду паймон, яъни мисоқ берган эканлар. Шунинг учун ислом уламолари: «Кимда-ким кофир бўлса ёки динидан қайтса, ўзининг тангрига берган мисоқидан қайтган бўлади», дейдилар. Муҳаммад алайҳис-саломнинг: «Ҳар бир тугилган бола тоза ҳолда — исломда тугилади, Кейин ота-онаси уни ё яҳудий, ё насроний, ё мажусий қилиб бузуқ тарбия беришади», деган ҳадисларининг мазмуни ҳам юқоридаги оятларга ҳамоҳангдир<sup>(12)</sup>.*

5) Арафа куни гуноҳлар кечириладиган, Дўзахдан озод қилинадиган ва Арафада турган одамлар билан Оллоҳ фахрланадиган бир кундир. Имом Муслим Ойша (*розияллоҳу анҳа*)дан ривоят қилишларича Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*): “Арафа кунидан кўра Оллоҳ унда бандани дўзахдан кўпроқ озод қиладиган кун йўқ. У яқинлашади сўнг фаришталарга улар билан фахрланади ва: “Улар нима хоҳлашади, дейди.”-деган эканлар. (*Муслим ривояти*)<sup>(13)</sup> Ибни Умар (*розияллоҳу анҳу*)дан ривоят қилинишича Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) шундай деган эканлар: “Оллоҳ таъоло Арафа оқшомида фаришталарга Арафа аҳли билан фахрланиб:”Менинг бандаларимга қаранглар. Менинг ҳузуримга сочлари тўзиган ва чангга беланган ҳолда келишибди.”-дейди.<sup>(14)</sup>

Арафа куни ҳожилар гуноҳлар кечирилишига ва Дўзахдан озод бўлишга олиб келиши умид қилинадиган сабабларга қаттиқ риоя қилишлари керак. Шу сабабларни қўйида эътиборингизга ҳавола қиламиз:

1. Ҳар бир ҳожи, қолаверса, ҳар бир мусулмон ушбу муборак кунда ўз аъзоларини ҳаром нарсалардан сақлаши керак. Ибни Аббос (*розияллоҳу анҳума*) ривоят қилишларича Фазл ибни Аббос (*розияллоҳу анҳума*) Арафа куни Пайғамбар (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) билан бирга мингашиб олган эди. Шунда бу йигитча аёлларга разм солиб қарай бошлади. Пайғамбар (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) эса ортларидан унинг назарини бурар эдилар.

(10). *Абу Довуд ривояти, Сунани Аби Довуд, 7/280, ҳадис рақами: 2442*

(11). *Имом Аҳмад ривояти, Муснад, 6/25, ҳадис рақами: 2499*

(12). *Қуръони Карим ўзбекча изоҳли таржима, Алоуддин Мансур, 195-бет.*

(13). *Муслим ривояти, 8/459, ҳадис рақами: 3354*

(14). *Имом Аҳмад ривоят қилган, Албоний саҳиҳ деганлар.*

Йигитча эса, яна уларни кузата бошлайди. Шунда Пайғамбар (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*): “Эй жияним, кимда ким ушбу кунда кулоғи, кўзи ва тилини тийса, унинг гуноҳлари кечирилади.”-дедилар. (*Аҳмад ривояти*)<sup>(15)</sup>.

2. Ушбу кунда кўпроқ тасбех, такбир ва “Ла илаҳа иллаллоҳ” каби зикрларни айтиш керак. Ибни Умар (*розиаллоҳу анҳума*) ривоят қилиб: “Арафа куни Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) билан бирга бўлган ҳолда баъзимиз такбир айтар эдик, баъзимиз: “Ла илаҳа иллаллоҳ”-дер эдик...”-дейдилар.<sup>(16)</sup>

3. Ушбу кунда Оллоҳдан гуноҳларни кечириши ва Дўзах ўтидан сақлашини сўраб кўпроқ дуо қилиш керак. Зеро, ушбу кунда дуолар қабул бўлиши умид қилинади, чунки Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*): “Дуоларнинг энг афзали Арафа кунидаги дуодир. Мен ва мендан олдинги Пайғамбарлар айтган дуонинг энг афзали: “Ла илаҳа иллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодийр.”-деган эканлар<sup>(17)</sup>. Шундай экан бу улуғ кунда ҳар бир мусулмон зикр, дуо ва истиғфорга берилиб, ўзи, ота-онаси, оиласи ва мусулмонлар ҳақиқага дуо қилиши керак. Қиладиган дуоларини ҳаддидан ошмасдан, дуо қабул бўлмаптику демасдан, ёлвориб қилиши керак. Дуо қилинадиган кунда қандай дуо қилишни билган киши қанчалик бахтли инсон-а!

Азиз хожи биродарим, ушбу кунда гуноҳлар кечирилишидан тўсадиган гуноҳлардан эҳтиёт бўлинг. Масалан: кабира гуноҳларни ташламаслик, кибр, ёлғончилик, чақимчилик, ғийбат ва шунга ўхшаш маъсиятлар. Зеро, кабира гуноҳларни ташламасдан Дўзахдан озод бўлишни ёки ушбу улуғ кунда маъсият қилишлик билан гуноҳлар кечирилишини қандай умид қиласиз. Қиблага юзланиб, қўл кўтариб, тик турган ҳолда, ёлвориб, хатокамчиликларини тан олиб ва ҳақ-рост тавба қилишга қасд қилиб туриш ушбу кунда дуо қилиш одобларидан ҳисобланади.

#### Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*)нинг Арафа кунидаги суннатлари:

Ибни Қоййим (*роҳимаҳуллоҳ*) ҳикоя қилишларича: Зулҳижжанинг тўққизинчи куни тонг отгач, Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) саҳобалари билан бирга Минодан Арафага йўл олдилар. Саҳобалардан баъзилари талбия, баъзилари такбир айтишарди. Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) эса буларни барчасини эшитар, лекин уларга ҳам буларга ҳам инкор қилмас эдилар. Сўнг бориб Намира масжидига тушдилар. Қуёш заволдан оғач Қасво номли туялари тайёрланишини буюрдилар. Сўнг Урана деган ердаги водийнинг ўртасига келганларида туяларига минган ҳолда жиддий хутба қилиб, унда Ислом қонун-қоидаларини таъкидлаб, ширк ва жоҳилият аҳлининг қонун-қоидаларини бекор қилдилар. Яна унда барча динлар ҳаромлигига келишган ҳаром нарсаларни ҳаром эканини таъкидлаб ўтдилар. Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) фақат бир марта хутба қилдилар. Хутбани яқунлагач, Билол (*розиаллоҳу анҳу*)га азон айтишни буюрдилар. Сўнг иқомат айтиб, Пешин намозини икки ракаат ўқидилар ва унда қироатни махфий қилдилар. Унинг сўнгидан яна такбир айтиб, Аср намозини икки ракаат ўқидилар. Шубҳасиз бу икки намозни Маккаликлар ҳам қаср ва жам қилиб ўқишди. Пайғамбар (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) эса уларга намозни тўлиқ ўқишни буюрмадилар. Намозларни адо қилгандан сўнг туяларига миниб мавкифга келдилар ва тоғ бағрида харсанг тошлар олдида қиблага юзланиб турдилар. Пиёдаларнинг кўпчилигини олд тарафларига қўйдилар. Ўзлари туяга минган ҳолда то қуёш ботгунча ёлвориш ва дуо қилиш билан машғул бўлдилар. Одамларни Урананинг ички томонида турмасликка буюрдилар. Арафа Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) турган жойларига хос эмаслигини билдириб: “Мен мана шу жойда турдим. Ваҳоланки Арафанинг ҳамма жойи турадиган жой.”-дедилар. Одамларга оталари Иброҳимнинг мероси бўлгани учун ўз

(15). *Муснад*, 7/123, ҳадис рақами: 3097.

(16). *Муслим ривояти*, 8/228, ҳадис рақами: 3156

(17). *Термизий ривоят қилган*, Албоний ҳасан деган.

маросимларида бўлиб, ўша жойда туришларини билдириб одам юбордилар. Ўша жойда олдиларига бир тўда Наждлик ҳожилар ташриф буюриб, Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*)дан ҳаж ҳақида сўрашган эди уларга: “Ҳаж Арафадир, кимда ким Муздалифа кечаси бомдод намозидан олдин Арафага кириб келса, унинг ҳажи тўлиқ бўлибди. Мино кунлари уч кун. Ким икки кунда шошилиб (*зикрни тўхтатса*) унга гуноҳ йўқ, ким кейинда (*учинчи кунга ҳам*) қолса, унга-да гуноҳ йўқдир.”-дедилар. Дуоларида икки қўлларини кўкракларигача кўтариб дуо қилдилар ва дуоларнинг энг афзали Арафа куни қилинган дуо эканини хабар қилдилар. Куёш яхши ботгач, Арафадан Муздалифага Усома ибни Зайдни орқаларига мингаштириб олган ҳолда хотиржамлик билан йўл олдилар. Одамларни хотиржамликка тарғиб қилиб: “Эй одамлар, хотиржам бўлинглар, чунки эзгулик шошилиш билан бўлмайди.” –дедилар<sup>(18)</sup>. Ушбу сайрларида талбияни тўхтамай айтиб келдилар. Йўлнинг ўртасида тўхтаб, пешоб қилдиларда, енгилгина таҳорат қилдилар. Шунда Усома: “Эй Расулуллоҳ, Намозми?”-деб сўради. Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*): “Намоз ҳали олдингда.”-дедилар. Сўнг Муздалифага келиб намозга олинадигандек таҳорат олдиларда, азон айтишга буюрдилар. Азон айтилгач, туриб туяларни чўктириш ва юкларни туширишдан олдин шом намозини ўқидилар. Юклар туширилгач, намозга иқомат айтилди. Сўнг хуфтон намозини азонсиз, иқоматнинг ўзи билан ўқиб бердилар. Бу икки намоз орасида бошқа биронта намоз ўқимадилар. Кейин бомдодгача ухладилар. Ушбу кечани намоз ўқиб ўтказмадилар<sup>(19)</sup>.

### Баъзи салафларнинг Арафа кунидаги аҳволларидан бир шингил

Арафа куни салафлардан баъзиларига Оллоҳдан кўркиш ёки ундан ҳаё қилиш устун келар эди. Мутарриф ибни Абдуллоҳ ва Бакр Ал-Музаний Арафада турган ҳолларида бирлари: “Парвардигоро, мен туфайли Арафада турган бандаларингни рад қилмагин.”-деган бўлса, иккинчилари: “Агар мен Арафада йиғилганлар орасида бўлмаганимда, у нақадар улуғ ва илоҳдан умид қилинадиган йиғин бўларди!”-деган экан. Баъзиларига эса Оллоҳдан умидворлик устун келарди. Абдуллоҳ ибни Муборак шундай дейдилар: “Арафа куни Суфён Ас-Саврийнинг олдиларига келдим. Қарасам, у киши чўкка тушган ҳолда, кўзлари ёшланиб турган экан. Шунда менга қайрилиб қараган эдилар, мен у кишига: “Ушбу йиғиндагилардан энг ҳоли ёмони ким?”-деб сўрадим. У киши: “Оллоҳ гуноҳларимни кечирмайди, деб ўйлаган киши.”-деб жавоб бердилар<sup>(20)</sup>.

Ибни Абид-дунё (*роҳимаҳуллоҳ*) ривоят қилишларича Али (*розияллоҳу анҳу*): “Ердаги ҳар бир кунда Оллоҳнинг Дўзахдан озод қиладиган бандалари бор. Арафа куничалик бандаларни Дўзахдан кўпроқ озод қилинадиган кун йўқ. Шунинг учун у кунда ушбу: “Аллоҳумма аътиқ рақабатий минаннар, ва авсеъ лий минар ризқил ҳалал, васриф анний фасақатал жинни вал инс” дуосини кўпроқ айт,”-деган эканлар. Маъноси: Павардигоро, гарданимни Дўзахдан озод қил, менга ҳалол ризқни мўл-кўл қил ва фосиқ жинлару, фосиқ инсонларни мендан бартараф қил.

### Банда икки ҳолат орасида

Муҳтарам ҳожи биродарим, агар сизга салафларнинг Арафа кунидаги ҳоллари маълум бўлган бўлса, билингки сизнинг ҳолингиз ҳам уларнинг ҳолидек ҳақиқий кўркув ва чин умидворлик орасида бўлиши керак. Оллоҳдан ҳақиқий кўркиш бандани ҳаром қилинган нарсалардан тўсиб туради. Бордию ушбу кўркув ошиб кетса, ундан ноумидлик келиб чиқиш хавфи бор. Чин умидворлик эса, илму-маърифат асосида тоат қилган банданинг Оллоҳнинг

(18). *Бухорий ривояти, ҳадис рақами: 1671.*

(19). *Зодул-маод, Ибни Қойим, 2/227*

(20). *Хутба ва дарслар инсеклопедияси, 3-бет*

савобини умид қилиши ёки гуноҳларидан тавба қилиб Оллоҳга қайтган банданинг Унинг мағфиратини ва кечиришини умид қилишидир. Оллоҳ таъоло айтадики: “Иймон келтирган, *(ватанларидан)* ҳижрат қилган, Оллоҳ йўлида курашган зотлар — ана ўшалар Оллоҳнинг раҳматидан умидвордирлар. Оллоҳ мағфират ва раҳм-шафқат қилгувчидир.” *(Бақара: 218)* Азиз биродарим, шунинг учун ушбу улуғ мақомда ва муборак кунда кўрқув ва умидворлик орасини жамлаб, Оллоҳнинг азобидан кўрқишимиз ва Унинг мағфиратини умид қилишимиз керак.

### Арафада турган ҳожилар учун табрикнома

Муҳтарам, Арафада туриш бахтига муваффақ бўлган ҳожилар...Сизлар қизгин қалблар, шашқатор ёшлар билан Оллоҳга ёлворган кимсалар қаторида туриб унга илтижо қилдингиз. Улар орасида қанча-қанча Оллоҳдан кўрқиб безовталанган ва Оллоҳга бўлган иштиёқи ва муҳаббати алангаланган кимсалар бор эди. Шунингдек қанчалаб Оллоҳнинг ваъдасига яхши гумон қилган, тавбасини Оллоҳ учун холис қилган ва Унинг остонасига бош уриб келган кимсалар бор. Қанчалаб Дўзахга киришга лойиқ бўлган кимсаларни Оллоҳ таъоло ушбу улуғ кунда унинг азобидан қутқариб, елкасини оғир қилиб ётган гуноҳлардан халос қилди. Ушбу кунда Оллоҳ уларнинг ҳолига боқиб, осмон аҳли бўлмиш фаришталарга бу муборак йиғин билан фахрланади. Сўнг яқинлашиб: “Улар нима истайдилар?”-дейди. *(Бугунги кунги Исломи шобақаси)* Оллоҳга ёлвориб, чин дилдан ибодат қилган барча ҳожиларни чин қалбдан муборакбод этиб, ҳажларини ўз даргоҳида қабул қилишини сўраб қоламиз.